

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ №1



Тошкент шаҳри

“Ўзбектелеком” АК “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиали номидан 30.12.2021 йилдаги №27-01-14/6019-сонли ишончнома бўйича иш кўрувчи директор **Рустамов Ф.Ш** кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталиб бир томондан ва “КАУАА АРСН” МЧЖ номидан Устав бўйича иш кўрувчи директор **Қаюмов А.А.**, кейинги ўринларда Пудратчи деб аталиб, иккинчи томондан биргаликда “Томонлар” деб аталиб, қуйидаги мазмунда Шартнома туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Пудратчи ўзининг имкониятига асосланган ҳолда ҳамда Буюртмачининг топшириғига асосан қуйидаги ишларни бажариш мажбуриятини: **“Тошкент Шаҳар Телефон Тармоғи” филиалининг 274/275-ЭАТС биносини фасад қисмини таъмирлаш ишларини** бажаришни ўз зиммасига олади.

1.1. Буюртмачи эса ушбу бажарилган ишларни қабул қилиш ва ҳаққини тўлаш мажбуриятини олади.

2. ШАРТНОМА БАҲОСИ

2.1. Шартнома баҳоси ҚҚС билан **1 570 577 561 (бир миллиард беш юз етмиш миллион беш юз етмиш етти минг беш юз олтмиш бир)** сўмни ташкил этади.

2.2. Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар хажми ва нархлари мазкур Шартноманинг 1- сонли иловасига мувофиқ белгиланади ва белгиланган нархлар кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- ишлар қийматини енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- ишлар хажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

3. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

3.1. Буюртмачи мазкур Шартнома бўйича Бажарувчининг бажарган ишлари тўловини қуйидагича амалга оширади:

- Шартнома имзоланган санадан бошлаб 10 (ўн) банк иш куни давомида мазкур Шартнома умумий қийматининг 30 (ўттиз) фоиз **(тўрт юз етмиш бир миллион бир юз етмиш уч минг икки юз олтмиш саккиз сўм ўттиз тийин) сўм** олдиндан ҳақ тўлайди;

- Қолган қисмини бажарилган ишлар қабул қилиб олиш далолатномасига (Ф-2) асосан ва счё-фактура имзолангандан сўнг 10 (ўн) кун давомида тўлаб берилади.

3.2. Ишлар қабул қилиб олиш далолатномасига (Ф-2) асосан ва счё-фактурада кўрсатилган умумий қийматидан 5 (беш) фоизини назорат ўлчови ишлари амалга оширилгандан сўнг 10 (ўн) иш кунида тўлаб берилади.

3.3. Буюртмачи кейинчалик тўлаш мажбуриятини олган ҳолда, ишлар қабул қилиб олиш далолатномасига (Ф-2) асосан ва счё-фактурада кўрсатилган умумий қийматидан 5 (беш) фоизини захира сифатида кафолат муддати тугагунча олиб қолиши ҳуқуқига эга.

4. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

4.1. Пудратчи ушбу шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган ишларни 30% аванс тўлови амалга оширилган кундан бошлаб 90 (тўқсон) иш куни муддатида бажаради.

5. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

5.1.1. Ўз кучи ва маблағлари ҳисобидан барча ишларни бажариш ва Буюртмачига лойиха-смета ҳужжатларига мос келадиган ҳолатда ишларни топшириш;

5.1.2. лойихага мувофиқ зарурий материалларни, қурилмалар, бутловчи ашёларни қурилиш майдончасига етказиб келиш ва уларни қабул қилишни, тушириб олишни, омборга жойлашни ҳамда қурилиш давомида уларни сақлашни амалга ошириш;

5.1.3. ўз кучи ва воситалари билан материаллар, қурилмалар, ашёларни жойлаштириш ва ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун зарур бўлган барча муваққат биноларни қуриш;

5.1.4. ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинаётган ихтисослаштирилган ташкилотлар билан ёрдамчи пудрат шартномалари тузилганлиги ҳақида Буюртмачини хабардор қилиш ва ёрдамчи пудратчилар томонидан ишларнинг бажарилишини назорат қилиш;

5.1.5. қурилиш майдончасида техника ва ёнгин хавфсизлиги ҳамда қурилиш майдончасининг қўриқланиши бўйича зарурий тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

5.1.6. қурилиш майдончасида тозаликни сақлаш;

5.1.7. қурилиш объектларининг суғурта қилинишини таъминлаш;

5.1.8. қурилиши тугалланган объектларни қабул қилиш далолатномаси имзолангандан кейин 10 кунлик муддатда қурилиш майдончасидан ўзига тегишли мол-мулкни олиб кетиш.

5.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

5.2.1. Белгиланган ҳажмда ва муддатда Пудратчига қурилиш майдончасини топшириш;

5.2.2. Шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган ишларни бажарганлик учун Пудратчига ҳақ тўлаш;

5.2.3. Пудратчининг ёзма хабарномасини олган санадан бошлаб 2 ҳафта ичида объектни қабул қилиб олиш.

6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Мазкур Шартнома мажбуриятларини бажармаслик ёки тегишлича бажарилмаганлиги учун “Пудратчи” ва “Буюртмачи” Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўладилар.

6.2. Ўз вақтида бажарилмаган ишлар учун “Буюртмачи” “Пудратчи”дан, ҳар бир кечиктирилган кун учун, бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоиз миқдорида, лекин бажарилмаган ишлар қийматининг 50 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда жарима ундириш ҳуқуқига эга.

6.3. Сифатсиз бажарилган ишлар учун “Буюртмачи” “Пудратчи”дан, сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20 фоиз миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

6.4. Мазкур Шартноманинг 3.1 банди иккинчи хатбошида кўрсатилган муддатлардан кечиктириб тўлов ўтказилганда, “Пудратчи” “Буюртмачи”дан, ҳар бир кечиктирилган кун учун, кечиктирилган тўловнинг 0,5 фоизи миқдорида, лекин кечиктирилган тўлов қийматининг 50 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда жарима ундириш ҳуқуқига эга.

6.5. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар тугаллангандан сўнг ўзига тегишли материалларни қурилиш майдончасидан олиб кетмаса, Буюртмачи қурилиш майдончаси бўшатиб берилган санага қадар Пудратчига бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашни тўхтатиб туришга ҳақли.

6.6. Жаримани тўлаш тарафларни мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

7. ФОРС-МАЖОР

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир. Бундай ҳолатлар жумласига эпидемиялар, табиий офатлар, ҳарбий ҳаракатлар киради.

7.2. Тегишли савдо палатаси ёки бошқа ваколатли орган томонидан берилган гувоҳнома енгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва амал қилишининг давомийлигини тасдиқлаш учун етарли ҳужжатдир.

7.3. Ўз мажбуриятларини бажара олмаётган тараф енгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва унинг шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришга таъсири ҳақида иккинчи тарафга 10 (ўн) кун муддатида хабарнома бериши лозим.

8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар тарафлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

8.2. Музокаралар олиб бориш йўли билан низоларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар Туманлараро иктисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

9. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА УНГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

9.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшичалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

9.2. Мазкур шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

9.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли: - Пудратчининг айби билан қурилишнинг бориши ушланиб қолса ва қурилишни тугатишнинг шартномада белгиланган муддатидан ошиқ муддатга кечиктирилса; - Пудратчининг шартнома шартларини бузиши оқибатида лойиҳада назарда тутилган ишлар сифати пасайса.

9.4. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг биргаликдаги келишувига мувофиқ тугалланмаган қурилиш Буюртмачига топширилади ва у биргаликда келишилган ҳажмда бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлаши лозим.

9.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

10. БОШҚА ШАРТЛАР

10.1. Объектнинг ва унинг таркибига кирувчи муҳандислик тузилмалари, ускуналар ва материалларнинг нормал ишлаши учун кафолат муддати тарафлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиш далолатномасини имзоланган пайтдан бошлаб 12(ўн икки) ой муддатга белгиланади (объектга учинчи шахслар томонидан зарар етказилган ҳоллар бундан мустасно).

10.2. Кафолатли фойдаланиш муддати давомида объектдан нормал фойдаланиш имкониятини бермайдиган даражадаги камчиликлар аниқланса ва уларни бартараф этмасдан туриб объектдан фойдаланиб бўлмаса, кафолат муддати камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган муддатга узайтирилади. Камчиликларни бартараф этиш Пудратчи томонидан ва унинг ҳисобдан амалга оширилади.

10.3. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма далолатномасида қайд этилади.

10.4. Агар Пудратчи камчиликлар аниқланганлиги ҳақидаги далолатномада кўрсатилган муддатда бажарилган ишлардаги камчиликларни бартараф этмаса, Буюртмачи камчиликларни бошқа ижрочининг кучи билан, харажатларни Пудратчига юклаган ҳолда бартараф этишга ҳақли.

10.5. Пудратчи камчиликлар аниқланганлиги ҳақидаги далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда. Буюртмачи уларни тасдиқлаш учун малакали экспертиза тайинлайди ва бу экспертиза камчиликлар ва уларнинг хусусиятларини қайд этган ҳолда тегишли далолатнома тузади.

10.6. Пудратчи Буюртмачининг ёзма розилигисиз объект қурилишининг ёки унинг алоҳида қисмининг лойиҳа ҳужжатларини бошқа учинчи шахсга сотишга ёки топширишга ҳақли эмас.

10.7. Объектни қуриш натижасида Пудратчининг айби билан учинчи шахсга етказилган зарар Пудратчи томонидан, Буюртмачининг айби бўлганда эса – Буюртмачи томонидан копланadi. Барча ҳолларда Пудратчи етказилган зарарни тугатиш учун зудлик билан чоралар кўради, шу жумладан тегишли харажатларни Буюртмачи коплайдиган тақдирда ҳам.

10.8. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, икала нусха ҳам бир хил юридик кучга эгава тарафларга бир нусхадан берилади.


10.9. Шартноманинг амал қилиш муддати: 2022 йил 31-декабргача.

11. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

ПУДРАТЧИ:

"КАУАА АРСН" МЧЖ

Манзил: Тошкент шаҳар Шайхонтохур
тумани м-в Октепа дом 36 кв 9
Тел: (71) 273-40-70
Х/р: 2020 8000 8052 9618 2001
Банк: "InFinBank" АТБ учтепа ф-ли
МФО: 01 165. ИНН: 307 847 886
ОКЭД: 43 990



Қаюмов А.А.

М.ў.

БУЮРТМАЧИ:

**"O'zbektelekom" АК "Тошкент шаҳар
телефон тармоғи" филиали**

Манзил: Тошкент шаҳар, Кичик Халка йўли
кўчаси 2-уй. 100084.
Тел:(71) 233-65-50. Факс:(71) 232-15-15.
Х/р: 2021 0000 6040 7483 8051.
Банк: АТ "Алоқабанк" амалиёт бошқармаси
Тошкент шаҳри.
МФО: 00401. ИНН: 203366731.
ОКЭД: 63 100.



М.ў.

Ф.Ш.Рустамов

110 04